

REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS
INV. №



Халқ сўзи


Ўзбекистон
кељагаи
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 31 январь, № 2 (3819) • Сешанба

«ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР»

«Маънавият» нашриётида шу номдаги китоб тайёрланиб босмадан чиқарилди

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов номига ҳар куни юртимизнинг узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларидан, чет эллардан юзлаб хатлар келади. Албатта, улар маъно-мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет эл фуқаролари томонидан йўлланган хатларда мамлакатимиз билан ҳамкорликнинг турли қирра-лари ҳақида гап борса, юртдошларимизнинг мактубларида бугунги ҳаётимизга бевосита боғлиқ масалалар қаламга олинади.



Хар бир хат Президент девонига рўйхатга олиниб, уларда баён этилган тақлиф ва мулоҳазалар, муаммолар тегишли масъул ходимлар, идора ва ташкилотлар томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганилади.

Бир сўз билан айтганда, Президент девонига жорий этилган тартибга кўра, ҳеч бир хат жавобсиз ва назоратсиз қолмайди. Уларда кўтарилган масалалар бўйича ўз вақтида аниқ чоралар кўрилиши қатъий одат тусига кирган.

Давлатимиз раҳбари фуқаролардан келадиган мактуб ва номалар, ариза ва муурожаатлар ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Бу хатлар мени ҳаёт билан, жамоатчилик вакиллари ва халқ билан боғлаб турадиган муҳим бир восита вази фасини бажаради. Бундай мактубларни ўқиганда мен гўёки оддий юртдошларимиз билан мулоқот қилиб, суҳбат кургандек бўламан. Шу боис ҳар қайси хатга жиддий эътибор бериш, уларни жавобсиз қолдиришнинг ўзини унун ҳам қарз, ҳам фарз, деб билман».

Ақсарият мактубларда ватандошларимиз Президент олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида, тараққиётимиз ривожига оид турли масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва тавсиялар билдиришади. Кўпгина хатларда эса жойларда ҳал бўлмаган келажикда халқ билан боғлаётган айрим муаммолар, маъжуд камчилик ва етишмовчиликлар, уларга барҳам бериш ҳақида ёрдам сўраб муурожаат қилинади. Бу ҳам беҳиз эмас, албатта. Чунки одамлар ўзлари ишонч билдириб саялаган давлат раҳбаридан уларни безовта қилаётган, қийнаётган масалалар бўйича ёрдам ва кўмак сўрашга ўзларини ҳақли деб билади.

Шу билан бирга, шундай хатлар ҳам борки, уларда арзу шикоят эмас, балки қалб тубидан чиққан ҳолис дил изҳорлари битилган бўлади. Бундай инсонлар одатда ўзи учун ҳеч нарса сўрамайди.

«Мана шундай мактублар менинг зиммамга юклатилган масъулиятли вази фани адо этишда қандайдир куч-гайрат беради. Жойлардан билдирилган самимий фикрлар, юртдошларимизнинг юрагини очиб ёзган хатларини ўқиб, ўзим учун яқин ва қадрдон одамлар билан сирдош бўлиб; юзмаюз сўзлашгандек бўламан, — дейди Президент. — Бундай ёзишмаларнинг ҳар қандай инсон учун, биринчи гада, раҳбар учун аҳамияти катта. Негаки, одамзот ўз сирини тасодифан дўч келган кишига очавермайди, қандай оғир вазиятга тушмасин, дарду ғамини ҳаммага ҳам баён қилмайди. Фақат ўзи хурмат қилган, ишонган инсонгагина дил сирларини очилиши мумкин. Ва бундай ишончининг албатта қадрига етиш керак.

Шу боисдан Президент номига хат ёзган, мактуб йўллаган, ўзининг эзгу ниъятлари, ғам-тавишлари, хурсандчилигини билдирган юртдошларимизга жавобан мен ҳам шундай муносабатда бўлишни зарур, деб билман.

Маълумки, инсон кўнгли ўта нозик. Бошига кулфат ёки синов тушган одам, аввало, ўз дардига ҳамдард излайди. Ўзининг дардини тинглайди, юрагини қабул қиладиган сирдош тоғанида, гарчи мушуқли бирданга ҳал бўлмаса ҳам, губорини чиқиб, енгил тортиди. Шунинг учун ҳам доимо оддий одамларнинг тавиш ва муаммоларига катта эътибор қаратиш, кенг жамоатчилик, биринчи гада, раҳбар ва мутасаддилар бу масалада, айниқса, зийрак ва сезгир бўлиши, бунинг нафақат ўз вази фасини, балки инсоний бурчи деб билиши лозим».

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобга 1991-2005 йиллар мобайнида мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари томонидан Президент Ислам Каримов номига йўлланган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга Юртбошимиз йўллаган жавоблар орасидан танлаб олинган айрим намуналар киритилган.

Маълумки, оддий одамлар, ижодкорлар ўртасида хат орқали мулоқот қилиш, қалб туйғуларини, қувонч ва изтиробларини баҳам кўришиш, турли воқеаларга муносабат билдириш аънаъна-

бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадларимиздан қайганимиз йўқ. Бу йўл бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, ҳуллас, халқимиз манфаатларига мос йўлди» (10-бет).

Китобнинг ушбу бўлимида берилган турли касб эгаларининг Юртбошимизга ёзган хатларида истиқлолнинг оддий одамлар учун, бутун халқимиз учун қандай имкониятлар очиб бераётгани, улар ўзларининг Ватан олдидаги муқаддас бурчини қандай тушуниши, Президент сиёсатини қандай қабул қилаётгани ҳаётий мисоллар, самимий туйғулар орқали баён қилинади.

Маънавият аҳли билан самимий мулоқот, санъат, адабиёт ва маданият намоёндаларига доимий эътибор ва ғамхўрлик, истеъдод соҳибларини қадрлаш Президентимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири экани кўпчиликка яқин маълум. Шу боис мамлакатимиз раҳбарининг бу соҳа вакиллари билан хат ва ёзишмалари алоҳида бир бўлимини ташкил этгани беҳиз эмас.

«Юксак маънавият йўлида» деб номланган ушбу фаслда Ислам Каримовнинг таълиқ санъаткорлар, ёзувчи, журналист ва олимлар, маданият намоёндаларига йўллаган хатлари ҳамда уларнинг ёзган мактублари ўрин олган.

Марҳум адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофидинов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган учун Юртбошимизга миннатдорлик билдириб ёзган хатиде шундай самимий сўзларни битган: «Мен Сизнинг ўн йилдан бери шахсан таниш бахтига мушаррафман. Шу йиллар давомида неча марта бахти мурувватингиздан баҳраманд бўлдим, эъзоз-эътиборингиздан бошим осмонга етди. Мен кўп ўйладим — мен юртимизнинг оддий бир захматқарм зиёлисиман, нима сифатларим борки ёки қандай ишни дўндириб қўйибманки, Юртбошимизнинг бундай юксак эътиборига сазовор бўлдим? Кейин амин бўлдим — буларнинг бари Сизнинг элу юртимизга, халқимизга муҳаббатингиздан бир нишона экан» (56-57-бетлар).

О.Шарофидинов кўзи хиралашиб қолган пайтда уни доволаш учун Президентимизнинг махсус топшириғи билан Москвадан тажрибали шифокор қақирганининг шундай эслади: «Эртаси куни Москвадан, машҳур Фёдоров кўз клиникасидан Жавот Магаррамов деган бир профессор келди, у кун бўйи мен билан бирга бўлиб, кўзимни ҳар хил аппаратларга солиб, ташхисни белгилади ва операция қилиб, катаракт олиб ташлаш кераклигини айтди...» (60-бет).

Ушбу бўлимида, шунингдек, Гаваҳ Раҳимов, Маҳмуд Усмонов, Зулфия, Саид

«Ўзбекистоннинг Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши ташкилотнинг обрўсини ошириб, имкониятларини кенгайтиради, унинг нуфузини янги поғонага кўтарди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг салоҳияти ҳамжамият доирасидаги интеграция жараёнининг тезлашишида муҳим роль ўйнаши мумкин».

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Бу гапни Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Россия телевидениеси муҳбирига берган интервьюсида айтган эди.

Ўтган ҳафтада Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Давлатлараро кенгашида Россия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларини бирлаштириб турган мазкур тузилмага Ўзбекистон ҳам қўшилгани расман эълон қилинди.

Хўш, Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш мамлакатимизга нима беради? Ташкилотнинг олдиде турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат?

Дунёнинг салкам олтидан бир қисмини эгаллаган ҳамжамият ҳудудиде 210 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Тузилма низомида унинг асосий вазифаси мазкур ҳудудда эркин савдоний йўлга қўйиш, боғжона тарифларининг бир хиллигига эришиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича биргаликда дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ягона энергетика ҳамда транспорт бозорини яратиш, аъзо давлатлар ўртасидаги интеграция жараёнининг кенгайтиришдан иборат эканини айтилган. Бундан ташқари, ҳамжамият ҳудудиде фуқаролар бир давлатдан бошқасига визасиз бориб келишлари, аъзо мамлакатлар олий ўқув юртиларига тўсиқсиз кириб ўқишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг ҳамжамиятга қўшилиши унинг мазмун-моҳиятини ўзгариши табиий. Шундай экан, тузилманинг режаларини, икки ва кўп томонлама муносабатлар механизмининг тубдан қайта қўриб чиқиш лозим бўлади. Санкт-Петербургдаги учрашувда давлатлар раҳбарлари бу ҳақда ҳам фикр алмашди. Шарҳловчилар тузилманинг бугунги аҳолига баҳо берад эканлар, у фақат иқтисодий ҳамжамият бўлмай, халқаро ташкилот сифатида ҳам нуфузи ортиб бораётганини таъкид-

лашмоқда. Улар Евроосий иқтисодий ҳамжамияти, МДҲдан фарқи уларок, тезда ривожланиб кетишига ишонч билдиришмоқда. Хуллас, Ўзбекистоннинг Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши, Россия Президентини Владимир Путин таъбири билан айтганда, тузилманинг имкониятларини янада кенгайтиради, ҳар бир аъзо давлат учун манфаатли бўлади. Бунга ўша кунде Ўзбекистон ҳукумати ва Россиянинг «Газпром» очик акциядорлик жақушилгани мияти ўрта-сиде имзоланган шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ушбу шартномаларга биноран, «Газпром» Ўзбекистондаги газ конларини излаб топиш ва ўзлаштириш учун 660 миллион АҚШ доллари миқдориде сармоя сарфлайди. Шу тариха «Газпром»нинг Ўзбекистонга киритаётган сармояси умумий ҳисобда 1,5 миллиард доллардан ошади.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Фаластин муқториятида бўлиб ўтган парламент сайлови натижаларини ўтган ҳафтанинг энг қутилмаган воқеаси деб таърирламоқда. Унда ХАМАС ҳарбийлашган радикал ташкилот вакиллари голиб чиқди. Энди бу гуруҳ вакиллари мамлакат парламентидеги 132 ўриннинг 74 тасини эгаллайди. Сайлов натижалари маълум бўлган, Амударго Бош вазири Аҳмад Мураеи истеъфо берди.

ХАМАС ташкилоти Исроилин давлат сифатида тан олмайди. Шунинг учун ҳам Фарб давлатлари, хусусан, АҚШ сайлов натижаларидан бироз тавишди. Улар ХАМАС ўзининг Исроилга қарши қарашларидан воз кечмаса, ҳар қандай ёрдамни тўхташмоқчи.

Шу пайтгача Фаластиндаги энг кучли сиёсий тузилма ҳисобланган ФАТХ партияси раҳбарияти мағлубиятдан сўнг ҳамон ўзларига қалғани йўқ. Партия тарафдорлари бу мағлубиятда, аввало, давлат раҳбари Махмуд Аббосини айб-лашмоқда. Уларнинг фикрича, партия раҳбарияти

«Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳаммамиз учун энг азиз бўлиши ойна-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгиде кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида аънаваний «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловиға барча ижодкорларни тақлиф этади.

Кўрик-танловға тақдим этиладиган ижодий ишларда кўйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим: Мустақиллик, Озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий- маърифий ҳаётидаги ислохотлар жараёни ва бу борада эришилган ўтуқлар. Миллий истиқлол мафқурасининг шаклланиши. Ойна-Ватанға муҳаббат ва садоқат. Миллий гурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар. Кишилар онгиде, руҳиятида, қалбиде ва қиёфасиде кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари. Фидойилик қурбатиб меҳнат қилаётган, яратувчанлик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси. Мамлакатимиз мустақиллигининг оддий одамлари. Буюк истиқлол туғайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий незматлар қўлама.

Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган голиблар Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиғи байрами арафасиде мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади. Танлов голибларини қимматбахо совринлар кутмоқда. Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловиға деб кўрсатилган ҳолда икки нусхада 2006 йилнинг 1 августига қадар қўйидаги манзилға юборилиши лозим:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Республикаси
«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64 144-37-87; 144-64-62

Баҳоловчига ҳам баҳо кўйилади

Кеча пойтахтимизда «Баҳоловчи компаниялар ва ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш омиллари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган баҳоловчи компания ҳамда ташкилотларнинг шаходатномага эга бўлган баҳоловчилари ва мутахассслари иштирок этди.

Давлат мулки қўмитаси раиси М. Аскарлов бошқарган тadbирда таъкидландики, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини изчиллик билан амалга оширишда баҳоловчи компаниялар муҳим ўрин тутмоқда. Бирок айрим пайтларда ана шу компаниялар томонидан мулкларни нотўғри баҳолаш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Шуларни эътиборга олиб, ҳукуматимиз томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу қарорнинг ижросини таъминлаш баробарида баҳоловчи компаниялар ҳамда ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда, баҳоловчиларнинг малакасини ошириш юзасидан бир қатор чоралар тadbирлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларға қараганда, жорий йилнинг 1 январь холатайға қўра, ҳозирда лицензияға эга бўлган 281 та

Бевосита мулоқот бугун сизни халқ таълими вазири эшитади

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури тўғрисида»ги Фармони, Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантириш кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 227-сонли Қарорини амалга ошириш тadbирлари, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқ таълими ходимлари касб маҳоратини доимий оширишға қаратилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида, соҳаға оид сизни қизиқтирган бошқа саволларингизға «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари тахририяти ташаббуси билан уюштирилган бевосита мулоқотда

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туробжон ЖўРАЕВ жавоб беради. Бевосита мулоқот бугун соат 10.00 дан 12.00 гача 139-17-35, 136-36-36 телефонлари орқали ўтказилади.

Вазирға бермоқчи бўлган саволларингизни тахририятнинг 132-12-08 телефонига ёки 136-37-85 факсига, шунингдек, info@xs.uz электрон почта манзилиға юборишингиз мумкин.

Шавакст ОРТИКОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Семинар

қабул қилинди. Бу қарорнинг ижросини таъминлаш баробарида баҳоловчи компаниялар ҳамда ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда, баҳоловчиларнинг малакасини ошириш юзасидан бир қатор чоралар тadbирлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик ва маънавият

Инсоф сўзи инсон сўзидан фақат бир харф билан фарқ қилади, холос. Лекин мазмун жиҳати-дан бир-бирига яқин. Ҳақиқатан ҳам инсофли инсоний одам десак бўлади. Чунки инсофли инсонийликка хос эмас.

Инсоф ҳаммаша одамийлик дарсини ўргатади. 1942 йил эди. Уруш айни авжга чиққан вақтлар. Нон, озиқ-овқат маҳсулотлари карточка билан берилди. Улар ҳам гоҳ бўлади, гоҳ йўқ. Сафар чоғи кечкурун мен ўқувчилар ётоқхонасига кириб келдим. Қоровул кексагина рус аели экан. У менга матрацлар уйилли ётган катта-та бир хонани кўрсатиб, тунамоққа руҳсат берди. Мен ўша ерда жойлашиб, эрта-лабча дам олмаққа ҳозирландим. Нарсаларимни бир чеккага қўйиб, матрац устига жойлашдим ва ухламоққа шай бўлдим. Шу вақт мен учун кутилмаган ҳодиса юз берди. Хонага халлиги кампир кириб келди. Қўлида бир алюмин коса.

қандай чидамоғи мумкинки, Узи тўқ бўлса-ю, кўниси оч бўлса. У ўз дастурхонидан нимаики бўлса, Хоҳ ширин таом, хоҳ унли оддий овқат, ундан ўша қўнисиға насиба бермоғи керак. Демак, ўз яқинларининг ахволидан хабар олиб тур-

ИНСОФ

моқ, муҳтожларга ёрдам кўрсатмоқ, ўз дастурхонидан бор нарсадан уларга насиба етказмоқ ҳар бир мўминнинг вазифасидир. Бу ҳам инсоний ва инсофли муносабатнинг бир қўниши.

эса Фарход ҳузурига келиб, Махинбону Хисрав билан ярашди. У Ширинни Хисравга бермоққа рози бўлди. Ширин эса бунга чидамай ўзини ўзи улардир, деб айтди. Буни эшитган Фарход фарёд кўтарди.

Кишилик жамияти юзага келибдики, ёвузлик билан эзгулик ўртасида қураш боради. Эртақларда қўнча эзгулик ёвузлик устидан галаба қозонади. Ҳаётда эса доим шундай бўлавермайди. Ҳатто ёвузлик гоҳ вақтинча бўлса ҳам эзгуликдан устун келган пайлар бўлади. Аммо ҳаёт таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, бирорва ёмонлик қилган, ноинсофлик кўрсатган кишининг обод бўлганини қўганимиз ёки эшитганимиз йўқ. Барибир бир кун келиб, ёвузлик ўз жазосини топади. Ёвузликка мойил кимса ўлиб кетганда ҳам ёвузлик инсонидан холи бўлмайди. Шунинг учун ўзбек халқида «Улганда ҳам кутулмайсан» деган гап бор. Бу мўдхшш аммо ҳаёт ҳақиқатининг баёнидир. Эзгуликнинг қудрати улуг, енгилмас ва муҳаққ.

Дебон қўпти жаҳондан силкибон қўл Адам даштага ханжар айлабон йўл... Маънос: жаҳон ишларига қўл силтаб, йўллик дашти сари йўл олди. Яъни дунёдан ўтди.

Бадий адабиётдан бир мисол келтираман. Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонида ёш севишганлар — Фарход ва Шириннинг муҳаббатига раҳна солган ёвуз шахс подшоҳ Хисравдир. У ўзининг шахсий манфаати йўлида Шириннинг мамлакатига бостириб кирди. Бу мамлакат халқини кўп машаққатларга мубталло этди. Аммо Фарходнинг ўз севишлиги Шириннинг ерини қаҳрамона ҳимоя қилгани тўғрисида бу ўликни эгалай олмади. Хисрав мақр ва алдамчилик орқали Фарходни қўлга тушириб банди қилди. Уни ўлимга ҳўми этди. Аммо Фарходнинг чин инсоний муҳаббати, бу муҳаббатдаги чексиз садоқатиға Хисрав ҳам тан бермоққа мажбур бўлган

бир туманига бордим. Ҳаво очик. Қўёшли кун. Бизнинг ходимлар даладаги оддийгина кесак деворли ўйда яшайдилар. Тушлик вақтида суҳбат бўлди. Ҳеч ким бирор шикоят сўзи айтгани йўқ. Аммо турар жой ноҳор. Уйнинг поли йўқ. Электр йўқ. Атрофини қамиш қоплаган. Ён-берди бирор одам яшайдиган жой кўринмайди. Бу ахвол менга ёқмади.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Сўхбатдан сўнг мен Фанлар академиясининг пахта терими штаби жойлашган қишлоққа келдим. Штаб раҳбариятидан институт ходимларини сурадим. Штаб бошлиғи Қодир Фозилхўжаев дарҳол розилик билдириб, автомобиль берди. Ўша кунги ўзим бош бўлиб ходимларимизни обод ва шўхрати бошқа бир қолхоз қишлоғига кўчириб олиб келиб жойладик. Пишиқ ёишдан қурилган иморат. Алҳидида хоналар. Тахта пол. Электр ёниб турибди. Мен мамнун ҳолда Тошкентга қайтдим.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Унда билгай кимдаким, инсофдир Сўзларим чимидурур ё лофдир Навоий.

Пластик карточка — замонавий тўлов воситаси




Турли соҳадаги муваффақиятлар кўпгина ҳолатларда инсон омили билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси пул муомаласи тизимига пластик карточкаларнинг жорий этилиши ҳам бундан мустасно эмас. Чунки ушбу глобал лойиҳанинг натижаси инсонларнинг ана шу янгиллиққа — тўлов воситасига бўлган ишончига биридир.

Бу банк пластик карточкалар бозорига 1999 йилдан бошлаб фаолият юритиб келмоқда. Утган давр ичида орттирилган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, айниқса, 2005 йил мамлакатимизда пластик карточкаларни ривожлантиришда кескин бурилиш йили бўлди. Муомалага чиқариладиган карточкалар ва уларни тўловга қабул қилувчи шохобчалар сони кескин кўпайди. Айни чоғда пластик карточкалар бозорининг турли йўналишлари бўйича ривожланиши эса банкларни ҳам шу асосда янги хизматларни кидришига даъват этди. Жумладан, «Асака» банки ойлик маошини пластик карточкаларга ҳисоблайдиган корхоналар ходимларига улар орқали истемол кредитларини 3 ойлик маош миқдорини олишни тақдим этмоқда. 2005 йилнинг ўзига банк кредит лимитининг 500 млн. сўм умумий суммасида мингдан ортиқ карточкаларга истемол кредитлари банк томонидан берилгани шундан далолат беради.

Бугунги кунда эса «Асака» банки томонидан бир юз эллик минг пластик карточка муомаласида чиқарилган. 2000 дан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар ўз ходимларининг ойлик маошларини пластик карточкаларга ҳисоблаш учун банк билан битимлар тузган. Уларга «Асака» банки томонидан ўрнатилган 1600 та терминал хизмат кўрсатмоқда. Маълумки, карточки тизим ривожланишининг кўрсаткичларидан бири — бу савдо-сервис тармоғида товарни харид қилиш ва кўрсатилган хизматлар бўйича пластик карточкалардан фойдаланиш орқали тўловларни амалга оширишда маблағлар айланмасини оширишидир. Шу боис 1999 йилдан 2005 йилнинг бошигача бўлган давр мобайнида пластик карточкалар бўйича банкнинг нақд пулсиз айланмаси 1,9 млрд. сўмни, 2005 йилнинг ўзига эса 4,05 млрд. сўмни ташкил этди.

Пластик карточкаларни тўловга қабул қилувчи савдо-сервис тармоғининг ривожланиши давом этмоқда. «Тошкент» метрополитени билан биргаликда «Асака» банки томонидан метрода пластик карточка орқали йўл ҳақини тўлаш тизи-

Жарқўрган туманидаги «Жарқўрган» фермер хўжалиги ўз маблағи ҳисобидан «Меҳнат-роҳат» маҳалласида 500 хонадонни ичимлик суви билан таъминлайдиган артезиан қудуқ қаздирди. Бу ҳиммат учун одамлар хўжалигининг бошлиғи Баҳром Чўтпўлатовни «Отанга раҳмат!» деб алқашди.



Жарқўрган туманидаги «Жарқўрган» фермер хўжалиги ўз маблағи ҳисобидан «Меҳнат-роҳат» маҳалласида 500 хонадонни ичимлик суви билан таъминлайдиган артезиан қудуқ қаздирди. Бу ҳиммат учун одамлар хўжалигининг бошлиғи Баҳром Чўтпўлатовни «Отанга раҳмат!» деб алқашди.

Жондор туманидаги қорақўлчиликка ихтисослашган Амир Темур номли хўжалик бу йил турта ярим минг тонна тери тайёрлашни режалаштириб, маҳсулотнинг ярминини экспорт қилишни мўлжаллаган. Хўжалик 2005 йилда Афғонистонда 84,8 минг АҚШ долларлик маҳсулот сотди. «Комплекс» — ППОШ» қўшма корхонаси эса саккиз минг АҚШ доллари миқдорини тери харид қилди. Қўшма корхона жорий йилда ҳам қорвадорлар билан шартнома тузган. «Туркистон-пресс».

Advertisement for 'GRANA' flour and cereals. It lists various products like flour, buckwheat, and cereals, and provides contact information for the company.

Advertisement for 'PAHTABANK' (Ferozbank) offering various banking services.

Large advertisement for Pedagogika ta'lim muassasalarini portali (Pedagogical Education Institutions Portal). It features a navigation menu with categories like ASOSIV, ELEKTRON KUTUBXONA, KOLLEJLAR, and PORTAL HAQIDA. The main text describes the portal's purpose and provides contact information for the website www.pedagog.uz.

БУ ажиб дунё

Уммонларни кезган мактуб

Яқинда Англиянинг денгиз бўйидаги шаҳарларидан бирида яшовчи Соня Мэтьюнинг тўрт йашар қизи Алишига узоқ Австралиядан хат келди. Times газетасининг ёзишича, бу мактубнинг ўзи ҳам хос қизиқ тарихи бор. Мэтьюнинг таъкидлашича, утган йилнинг ёзида қизи тарбияланаётган ясли болаларига тарбиячилар ичига хат ва тарбияланувчининг манзилини кайда этилган қоғоз солинган пластик шиша беришган. Шундан сўнг у қизи билан қирғоққа бориб, шишани денгизга ташлашган. Орадан олти ой ўтган эса, Алишига хат келган. Австралиянинг фарбида яшовчи ўн ёшли Бобнинг ёзишича, у шишага газета мубоираси Соня Мэтью.

— Мен ҳам, қизим ҳам мактуб Австралиядан етиб боришимиз жуда хайратдамиз, — дейди газета мубоираси Соня Мэтью. Саутгемптон Океография институтининг олимларининг фикрича, хат Атлантика океани орқали бутун Африка қитъасини айланиб, Ҳинд океанига ўтган ва Австралия қирғоқларига етиб боришган.

Ўлмаган экан...

Ҳиндистон телевидениеси хабарига қараганда, мамлакатнинг Гужарат штати пойтахти Ахмадод шаҳрида қизиқ воқеа содир бўлган. Бир неча кун бурун вафот этиб, ёқилган йигит уйига қайтиб келган.

Гап шундаки, Рамеш Маквана уйдан чиқиб кетганча бедарак йўқолган. Уша кунларнинг бирида шаҳар темир йўл вокзали хавфсизлик хизмати ходимлари номалум йигитнинг жасадини топди. Унинг юзи таниб бўлмас даражада мажакланиб кетган. Жасадни кўрган Рамешнинг отаси қийимига қараб, уни ўлига ўхшати ва уйига олиб келиб, хиндлар одадига қўра куйдири.

Орадан бир неча кун ўтган, Рамеш Маквана қутилмаганда уйда пайдо бўлиб қолди. Уни кўрган қариндошлари қўрқиб кетишди. Чунки хинд диний ақидаларига қўра, вафот этган киши бошқа одамга, қўша, даракта ёки тошга айланиб, умрини давом эттирилади. Рамешнинг бунчалик тез ва ўз ҳолига қайтиб келишини ҳеч ким кутмаганди. Текширишлардан шу нарса маълум бўладики, Рамешнинг отаси адашиб бошқа жасадни ўғлим деб уйига олиб келган экан. Ҳозир полиция мурданнинг шахсини аниқлаш билан банд.



ЭЛЛИК ТЎРТ ОҚШОМНИНГ ҲАЯЖОНИ

Агар шу кунларда ўзбек телетомошабинларидан "Сизга қайси сериал ёқди?" деб сўрасангиз, "Сарой жаҳоҳири" деб жавоб беришлари турган гап. Ҳақиқатан ҳам, жанубий корейлик кинематографчилар маҳорат билан ишлаган ушбу сериал боис эллик тўрт оқшом телеэкран қаршида гоҳ қувонч, гоҳ ҳаяжон ва гоҳ изтиробга тушиб ўтирдик. Ишончаларда, давраларда, ўзаро сўхбатларда сериал ҳақида қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Қирол саройида аввал ошхона бекаси, сўнгра ҳамшира бўлган Тангемнинг ҳаёти ва тақдири томошабинларни ҳаяжонга солди.

Ушбу сериалнинг барча образларига атрофлича тўхталмоқчи эмасмиз. Аксинча, мухтасар қилиб айтмоқчимизки, "Сарой жаҳоҳири" сериали — юксак маҳорат, катта истеъдод ва чинакам маданият билан яратилган асар. Унда корей халқининг миллий урф-одатлари, анъаналари, пазандалик санъати ёрқин лавҳаларда очиб берилган. Корей ошхонасининг ўзига хос сирлари, таомларнинг хилма-хиллиги ва тайёрлаш жараёни ниҳоятда табиий тасвирланган.

Сериал режиссёри М Бжон Хунинг таъкидлашича, унда бу асарни яратиш гоёси 1999 йилда тутилган. Тўрт йил ўтган, етти ойда суратга олинган. Режиссёрнинг маҳоратига, дидага, билимига ва актёрлар танлаш қобилиятига қойил қолиш керак. Операторлик иши ҳам катта санъаткорлик билан бажарилган. Муסיқа ва кўшиқлар яхши танланган. Хуллас, "Сарой жаҳоҳири" ҳам "Ошин", "Маҳобхорат" ҳам сингари жаҳоннинг дурдона сериаллари қаторида ўрин эгаллади. Сериал инсоннинг иродали, матонатли, фидойи, қатъиятли, ҳар қандай вазиятда адолат йўлини танлаш, ўз касбининг сир-асрорларини мукамал билиш зарур-

Самарқанд давлат музей-кўриқхонасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон музей-жамғармаси ҳамкорлигида» «Музейлар фондларидаги экспонатларнинг рўйхатга олиниши ва сақлашни ҳолатини ўрганиш» мавзусида республика семинар-кенгаши ташкил этилди.

Музейда семинар

Унда мамлакатимиздаги барча музейлар раҳбарлари ва илмий ходимлари қатнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар музейларни замон талаблари даражасига кўтариш, мавжуд муаммоларга барҳам бериш борасидаги ўз фикрларини, тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Семинар-кенгашта таъкидланишича, айни пайтда мамлакатимиз музейларида ашёларнинг электрон тасвирини яратиш, уларнинг каталогини тузиш ишлари бошлаб юборилган. Умумий маълумотлар каталоги яқин орада ўзбек ва инглиз тилларида олти жилдик китоб шаклида чоп этилади.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Сериалда асосан XVI асрда Корейдаги Қирол саройида бўлиб ўтган драматик воқеалар образ тахлиллар ҳамда образлар воситасида очиб берилган. Бош қаҳрамон Тангем (актёр И Ёнг Э) сиймоси сериалнинг ҳар бир қисмини қудратли оҳанрабо сингари ўзига торттиб туради. Ижро ниҳоятда юксак маҳорат ва истеъдод билан адо этилган. Актёр шунчаки роль ўйнамайди, балки саройда ҳақиқий бека, ҳамшира бўлиб, ҳаётда-гайда яшайди. Шу боис ҳам у томошабинни ўзига мафтун этади. Бу ҳамма актёрларга ҳам насиб этавермайдиган катта бахт. Тангем образида қатъий иродани, тинимсиз фидойиликни, ўз орзу-ниятларига етишиш йўлида учрайдиган ҳар қандай тўсиқни сабр ва ақл билан енга оладиган мард инсонни кўрамиз. У ҳар қандай

оғир шароитда ҳам ўзини йўқотиб қўймайди. Балки билимига, ирода-си ва ақл-идроқига сўянади. Тангемни ҳамшира голиблик ва мардоналик юксакларга кўтариб туради. У фитналар, ёвузликлар, ҳасад ҳеч қачон адолатнинг йўлини тўсолмаслигига ишонади. Қиролнинг шахсий хизматчиси Мин Жу Хо (Чи Чин Хи) ҳам адолат тантанаси учун курашда ҳар доим Тангем томонда бўлади. Тангем билан ёнма-ён туриб, адолат йўлида ҳалол кураш олиб боради. Қиролга ҳам, Ватанига ҳам ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Уларнинг севгиси ҳам ибратли. Айрим сийқа ва чучмал сериалларнинг қаҳрамонларига ўхшаб бир-бирига "севдим", "қуйдим-ёндим" деб айюҳаннос солишмайди ёки бачкана қилиқлар қилишмайди. Уларнинг муҳаббати ҳам ҳаё ва одоб пардаси ила безанган. Бу

гўзал муҳаббатни қайғулар, тўсиқлар, айрилиқ ва изтироблар асло тўхта-толмайди. Аксинча, сериал давомида уларнинг севгиси машаққатли манзиллар аро тобланиб, ишонч ва садоқатга

Сериалдаги бека Хан ва бека Чой образлари ҳам юксак маҳорат билан ижро этилган. Биринчи эвузлик ва иккинчи эвузлик тимсоли бўлган бу образлар томошабинларни ҳаяжонга солиб, нафратли-

Сериаллар оламида


йўғрилиб боради.

Оғир синовлардан, мураккаб курашлардан дадил ўтган бу оташин муҳаббатни буйсундиришга ҳатто Қиролдай ҳукмдор ҳам жузурат этолмайди. Қирол сарой аъёнларининг қаршичилигига қарамай, уни ўзининг шахсий табиби этиб тайинлайди ва унга "Буюк Тангем" унвонини беради. Гарчи Қирол Тангемни яхши кўриб қолган бўлса-да, унинг муҳаббатига раҳна солмайди. Аксинча, бахтли бўлиши учун саройдан қочиб кетишига имкон беради.


ни кўзғатгани актёрларнинг маҳоратлигидан. Бека Хан — табиатан мулоим, ширинсўз, самимий ва кўнгли очик аёл. Унинг сургун қилиниш саҳнаси ва ўлими томошабинни чуқур қайғуга солади. Бека Чой эса — гаразғўй, фитначи, амалпараст ва ёвуз кимса. У бойлик ва амал илжини ҳар қандай ахлоқликдан тоймайди. Ва охириқабат ўзи танлаган жалолат йўлининг қурбони бўлади. У хатоларини жуда кеч тушуниб этади. Этади-ю, жарга қулайди. Ёмоннинг жазоəsi жар...

ДЛЯ УСПЕШНОЙ РАБОТЫ В КОМАНДЕ ПРОФЕССИОНАЛОВ


Повысьте эффективность работы всей команды в соответствии с требованиями Вашего бизнеса. Используйте лазерные принтеры HP LaserJet со встроенным сетевым интерфейсом вместе с проверенными технологиями HP, которые повысят доступность и обеспечат высокую скорость печати, а также профессиональное качество документов для всей рабочей команды. Сделайте свой выбор из широкого модельного ряда сетевых лазерных принтеров HP LaserJet.



- HP LASERJET 1020
- Скорость печати — до 14 стр./мин. (A4)
 - Выход первой страницы за 10 сек. как при «горячем», так и при «холодном» старте
 - Качество печати — 1200 т/д при использовании технологии HP FastRes
 - Порт Hi-Speed USB 2.0
 - Нагрузка — до 5000 страниц в месяц
 - Режим экономии тонера — до 50%



- HP LASERJET 1022N/NW
- Скорость печати — до 18 стр./мин. (A4)
 - Выход первой страницы за 8 сек. как при «горячем», так и при «холодном» старте
 - Качество печати — 1200 x 1200 т/д при использовании технологии HP FastRes и ProRes
 - Поддержка HP PCL 5e
 - Порт Hi-Speed USB 2.0
 - Нагрузка — до 8000 страниц в месяц
 - Порт для сетей Ethernet 10/100Base-TX в модели с индексом "n"
 - Порт для сетей Ethernet 10/100Base-TX или средство для работы в беспроводных сетях стандарта 802.11b/g в модели с индексом "nw"
 - Режим экономии тонера — до 50%



- HP LASERJET 1320N/NW/TN
- Скорость печати — до 21 стр./мин. (A4)
 - Выход первой страницы — менее 8 секунд
 - Качество печати 1200 x 1200 т/д
 - Память 16 МБ, максимум 144 МБ
 - Лоток подачи бумаги на 250 листов, лоток приоритетной подачи на 1 лист
 - Параллельный порт, порт USB (совместим со спецификациями USB 2.0)
 - Встроенный сервер печати HP JetDirect для Fast Ethernet в моделях с индексом "n"
 - Нагрузка до 10 000 страниц в месяц

Звоните сейчас, чтобы узнать больше! Тел. 132 26 62. www.hp.ru

©2006 Hewlett-Packard Development Company, L.P. Все права защищены.

XEROX RASMIY DISTRIB'YUTOR
Micros MUALLIFLIK SERVIS HANKORI

SIZ O'YLAGANDAN KO'PROQ

WorkCentre PE16/PE16e, WorkCentre Pro 420/415/C118/C118i (A3), Phaser 3420/3450, Phaser 3116/3120/3121/3130, WorkCentre M15/M15i, Phaser 6100/8400 (rangli), WorkCentre Pro 423/428/123/128 (A3)

KOMPANIYA MAHSULOTLARI DOIMIY SAVDO KO'RGAZMASI

XEROX www.xerox.ru

KO'P VAZIFALIK USKUNALAR, LAZER PRINTERLARI VA SARFLASH MATERIALLARI

ULGURJI VA CHAKANA SAVDO

To'ytepa ko'ch., 5 (Patentlar idorasining qarshisida, O'zRFA Prezidiumining yonida), tel.: 132-07-14, 120-68-62.

S. Azimov ko'ch., 72a. (Ilgarigi - Jukovskiy ko'ch., IISHB qarshisida), tel.: 133-99-13, 132-07-14.

Movarounnahr ko'ch., 19 (San'at muzeyining qarshisida), tel.: 133-53-79, 133-27-04.

DILERLAR UCHUN: tel.: 151-23-58, 151-23-59.

e-mail: micros@ucd.uz www.ucdgroup.com

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ СОТАДИ:

ENIGIL MAШИНАЛАР UЧУН, ENIGIL YOK TASHUVCHI MAШИНАЛАР UЧУН, QIШЛОҚ XЎJALIГИ TEХНИКАСИ UЧУН

Телефонлари: (9987) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-04, 83-04-21

AKKUMYЛЯТОРЛАР

WESTA

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улгуржи ва Чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:

Наманган ш., «Дўстлик» шохқўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.

Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.

Дангар ш., Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37337) 2-19-06.

Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва талбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси жамоаси кўмита раиси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидовага падари бузруквор

КАРИМ САИДОВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидовага падари бузруквор

КАРИМ отанин

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика Заμβургу ва протозо касалликлари илмий марказининг директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби

Назминисо Абдуллаевна ДЕҲҚОН-ХОДЖАЕВНИНГ

вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихдор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббиёт-санитария бирлашмаси жамоаси 2-марказий шифохона бош шифокори Равшана Каримовага волидиси

Назминисо Абдуллаевна ДЕҲҚОН-ХОДЖАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси республика Киночилар уйидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Уктам Мирзаёрова волидиси муҳтарамаси

Мувиор МИРЗАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади.

Республика акциядорлик тижорат банки — «Галлабанк» меҳнат жамоаси банкнинг Сирдарё минтақавий филиали ходими Илёс Амановга онаси

ОЙША аяли

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Ўзлонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ҳамда Баҳодир Файзев томонидан саҳифаланди. Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. Тижорат материаллари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА ақуни 20.30 Тоширилди — 21.00 23456

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — З. Ашурова. Мусахҳач — Ш. Маираббоев.